

**РАҚАМЛИ МУҲИТДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН УЯТСИЗ-БУЗУҚ ҲАРАКАТЛАР: КИБЕРБУЛЛИНГ
БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК МАСАЛАЛАРИ**

Анваржонов Бунёдбек Авазжон ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

Аннотация

Мазкур мақолада рақамли муҳитда содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатларнинг кибербуллинг билан ўзаро боғлиқлиги жиной-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Кибербуллингга хос анонимлик, оммавийлик ва такрорийлик каби хусусиятлар ушбу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини ошириши асосланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 129-моддасини такомиллаштириш юзасидан таклиф илгари сурилган.

Калит сўзлар: кибербуллинг, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар, рақамли муҳит, жиной жавобгарлик, вояга етмаганлар, жинсий дахлсизлик, анонимлик, такрорийлик

КИРИШ

Кибербуллинг муаммосини илмий жиҳатдан таҳлил қилишда, аввало, уни анъанавий буллингнинг рақамли муҳитдаги давоми сифатида эмас, балки ўзига хос мустақил ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки кибербуллинг анъанавий буллингга хос бўлган қасд, такрорийлик, кучлар номутаносиблиги ва жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатиш каби белгиларни сақлаб қолган ҳолда, рақамли муҳитга хос янги хусусиятлар билан бойийди. Бундай хусусиятларга анонимлик, ахборотнинг тез ва кенг тарқалиши, контентнинг интернет муҳитида узоқ сақланиб қолиши, жабрланувчига доимий таъсир ўтказиш имконияти ҳамда ҳуқуқбузарни аниқлашдаги мураккабликлар кирди.

Анъанавий буллинг одатда муайян макон — мактаб, маҳалла, меҳнат жамоаси ёки бошқа ижтимоий муҳит доирасида содир этилади[3]. Кибербуллинг эса макон ва вақт чегараларини йўққа чиқаради. Жабрланувчи уйда, таълим муассасасида ёки бошқа хавфсиз деб ҳисобланган муҳитда бўлса ҳам, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали унга нисбатан ҳақорат, таҳдид, камситиш, шахсий маълумотларни тарқатиш ёки жинсий мазмундаги босим ўтказиш давом этиши мумкин[9]. Шу сабабли кибербуллингда жабрланувчининг ҳимоясизлик даражаси анъанавий буллингга нисбатан юқорироқ бўлади.

Кибербуллингнинг муҳим белгиларидан бири анонимликдир[12]. Анонимлик ҳуқуқбузарга ўз шахсини яшириш, сохта akkaунтлардан фойдаланиш, жабрланувчига нисбатан психологик устунликка эга бўлиш имконини беради. Жабрланувчи эса ким томонидан таъқиб қилинаётганини билмагани сабабли кучли қўрқув, хавотир ва руҳий босим ҳолатига тушади¹. Бу ҳолат айниқса вояга етмаган шахслар учун хавфлидир, чунки улар кўпинча ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан қандай фойдаланишни билмайди ёки содир бўлаётган ҳаракатларнинг ҳуқуқбузарлик эканини англаб етмайди[8].

Кибербуллингда кучлар номутаносиблиги ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Анъанавий буллингда кучлар тенгсизлиги асосан жисмоний куч, ижтимоий мақом ёки гуруҳ қўллаб-

¹ Lucy R. Betts, *Cyberbullying, Approaches, Consequences and Interventions*, (Palgrave 2016) 29-бет.

қувватлаши билан боғлиқ бўлса, кибербуллингда бу устунлик технологик билим, анонимлик, аудиторияга таъсир ўтказиш ва контентни тез тарқатиш имконияти орқали шаклланади². Шу маънода, рақамли муҳитда ҳатто жисмонан заиф ёки ижтимоий жиҳатдан паст мавқега эга шахс ҳам бошқа шахсга нисбатан кучли психологик босим ўтказиши мумкин.

Кибербуллингнинг яна бир муҳим хусусияти — унинг оммавийлик хусусиятидир. Интернетда жойлаштирилган ҳақоратли, таҳқирловчи ёки интим мазмундаги материал қисқа вақт ичида кенг аудиторияга тарқалиши мумкин. Бундай ҳолатда жабрланувчига етказиладиган зарар фақат дастлабки ҳуқуқбузар ҳаракати билан чекланиб қолмайди, балки материални кўрган, тарқатган ёки унга муносабат билдирган шахслар орқали янада кучаяди³. Шу сабабли кибербуллингда жабрланувчининг шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳаёти ва руҳий дахлсизлигига етказиладиган зарар кўлами анча кенг бўлади.

Такрорийлик масаласи ҳам кибербуллингда алоҳида аҳамиятга эга. Анъанавий буллингда такрорийлик ҳуқуқбузарнинг бир неча бор ҳаракат содир этиши орқали намоён бўлса, кибербуллингда ягона ҳаракат ҳам такрорий таъсир касб этиши мумкин. Масалан, бир марта жойлаштирилган ҳақоратли пост, видео ёки интим тасвир кўп марта кўрилиши, тарқатилиши ва муҳокама қилиниши натижасида жабрланувчи қайта-қайта руҳий азобга дучор бўлади. Шу жиҳатдан, рақамли муҳитда “бир марталик ҳаракат” ҳам амалда давомий ва такрорий зарар етказиш хусусиятига эга бўлиши мумкин⁴.

Мазкур назарий ёндашувлар рақамли муҳитда содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатларни ҳам кибербуллинг билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади. Чунки бундай ҳаракатлар, айниқса вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилганда, нафақат жинсий дахлсизликка қарши тажовуз сифатида, балки психологик босим, кўрқитиш, шарманда қилиш, шантаж ва ижтимоий камситиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Шу боис рақамли муҳитдаги уятсиз-бузуқ ҳаракатлар кибербуллингнинг оддий шакли сифатида эмас, балки кибербуллингга хос белгиларни ўзида мужассам этган мустақил жиноий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

Демак, кибербуллинг назарий жиҳатдан шахсга нисбатан рақамли воситалар орқали қасддан, такрорий ёки давомий таъсир кўрсатишга қаратилган, кучлар номутаносиблиги ва руҳий босим билан тавсифланадиган ижтимоий хавфли ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунилади. Унинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш рақамли муҳитда содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатларни квалификация қилиш, уларнинг кибербуллинг билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ҳамда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Кибербуллинг мазмуни фақат ҳақорат, таҳдид ёки таъқиб ҳаракатлари билан чекланмайди. Унинг таркибида тажовузкор хатти-ҳаракатлар, жинсий зўравонликка хос рақамли босим, жисмоний таҳдид, моббинг, ҳақорат қилиш, бўҳтон, миш-миш тарқатиш, ижтимоий четлатиш каби ижтимоий буллинг шакллари ҳам намоён бўлиши мумкин⁵. Шу жиҳатдан, рақамли муҳитда вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар

² Annual Bullying Survey 2016. Ditch the Label – Digital Report. // URL: <https://www.ditchthelabel.org/wp-content/uploads/2016/04/Annual-Bullying-Survey-2016-Digital.pdf> (мурожаат санаси: 20.04.2026).

³ Patel K. Cyberbullying: What's the Status in England? // San Diego International Law Journal. – 2011-2012. – № 13. – P. 596.

⁴ Smith P., Steffgen G., Sittichai R. The Nature of Cyberbullying and an International Network // Cyberbullying through the New Media / Eds. P. Smith, G. Steffgen. – Psychology Press, 2013. – P. 26.

⁵ D. Olweus, 'School Bullying: Development and Some Important Challenges', (2013) (9)

кибербуллингнинг оддий шакли сифатида эмас, балки кибербуллингга хос айрим элементлар — психологик босим, шарманда қилиш, қўрқитиш, шантаж ва оммавий таъсир хавфи билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида таҳлил қилиниши лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Рақамли муҳитда содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатларнинг кибербуллинг билан ўзаро боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси⁶нинг 129-моддасида назарда тутилган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар жиноятининг объекти сифатида ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек уларнинг нормал жисмоний ва руҳий ривожланиши белгиланади⁷.

Мазкур жиноят таркиби айбдор томонидан зўрлик ишлатмасдан туриб, жабрланувчининг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилишга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқи шарҳларида ушбу ҳаракатлар, асосан, жисмоний ёки интеллектуал шаклларда ифодаланиши қайд этилган бўлиб, уларга шахвоний мазмундаги ҳаракатлар, жинсий қизиқишни уйғотишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, шунингдек порнографик мазмундаги материалларни намоёиш этиш ёки шундай мулоқотга жалб қилиш каби ҳолатлар киради. Мазкур норманинг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноятнинг амалга оширилиш усули қонун матнида аниқ чекланмаган бўлиб, бу уни ахборот-коммуникация тармоқлари орқали содир этиш имкониятини ҳам истисно қилмайди⁸.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида ушбу жиноятнинг янги — рақамли шакллари вужудга келмоқда. Хусусан, вояга етмаган шахсларга нисбатан интернет орқали интим мазмундаги хабарлар юбориш, видеоалоқа воситасида уятсиз ҳаракатлар содир этиш, уларни жинсий характердаги мулоқотга жалб қилиш ёки интим контент юборишга мажбурлаш каби ҳолатлар кенг тарқалмоқда. Бундай ҳаракатлар мазмунан ЖК 129-моддаси доирасида баҳоланиши мумкин бўлган жиноий қилмишлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, рақамли муҳитда содир этиладиган мазкур ҳаракатлар кибербуллингга хос бўлган қатор хусусиятларни намоён этади. Жумладан, бундай ҳолатларда жабрланувчига нисбатан психологик босим ўтказиш, қўрқитиш, шарманда қилиш ёки шантаж қилиш ҳолатлари кузатилади. Масалан, ҳуқуқбузар томонидан “интим сурат юборишни талаб қилиш, акс ҳолда мавжуд маълумотларни тарқатиш билан таҳдид қилиш” каби ҳолатлар кибербуллингга хос босим механизмларини ифодалайди.

Бундан ташқари, кибербуллингга хос бўлган анонимлик омиллари ҳам мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Айбдор кўп ҳолларда сохта аккаунтлар ёки бошқа шахслар номидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилади, бу эса жабрланувчининг ўзини ҳимоя қилиш имкониятларини чеклайди. Шу билан бирга, интернет муҳитидаги оммавийлик хусусияти сабабли, жинсий мазмундаги маълумотлар кенг аудиторияга тарқалиши мумкин бўлиб, бу жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматига янада оғир зарар етказиши мумкин.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 1994-йил.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм / М.Х. Рустамбаев ва бошқ.; ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. – 116 б.

⁸ М.Х.Рустамбаев Жиноят ҳуқуқи курси 1-том. МГХТИ-2018 йил 198-бет.

Такрорийлик масаласи ҳам рақамли муҳитда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Агар анъанавий ҳолатда жиноят бир неча бор такрорланиши орқали давомийлик юзага келса, интернетда бир марта жойлаштирилган контентнинг ўзи ҳам кўп марта кўрилиши, тарқатилиши ва муҳокама қилиниши натижасида жабрланувчига доимий руҳий таъсир кўрсатади. Бу эса мазкур ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини янада кучайтиради.

Шу нуқтаи назардан, рақамли муҳитда содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар кибербуллингнинг мустақил шакли сифатида эмас, балки унга хос элементларни ўз ичига олган алоҳида жинсий қилмиш сифатида баҳоланиши лозим. Чунки мазкур ҳолатларда жиноятнинг асосий объекти жинсий дахлсизлик бўлиб қолади, бироқ уни амалга ошириш усули ва таъсир механизми кибербуллинг хусусиятлари билан бойийди.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация тармоқлари орқали содир этилган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар анъанавий шаклга нисбатан юқори ижтимоий хавфликка эга. Бу эса қонунчиликда мазкур омилни алоҳида эътиборга олиш заруратини юзага келтиради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФ

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли муҳитда содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатлар анъанавий шаклга нисбатан сезиларли даражада юқори ижтимоий хавфликка эга. Бундай ҳолатларда жиноят нафақат жабрланувчининг жинсий дахлсизлигига тажовуз сифатида намоён бўлади, балки кибербуллингга хос бўлган психологик босим, кўрқитиш, шарманда қилиш, анонимлик ва оммавий тарқалиш каби қўшимча омиллар билан мураккаблашади. Бу эса жабрланувчининг руҳий ҳолатига янада оғир салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, интернет тармоғи орқали содир этилган уятсиз-бузуқ ҳаракатларда такрорийлик ва давомий таъсир хусусияти кучайиб, бир марталик ҳаракатнинг ўзи ҳам узоқ муддатли ва кўп карра руҳий зарар келтириши мумкин. Шу жиҳатдан, мазкур қилмишлар анъанавий жиноят шакллариغا нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ ижтимоий хавфликка эга эканлиги аён бўлади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 129-моддасини такомиллаштириш мақсадида, ушбу жиноятни содир этиш усулига оид қўшимча белгини қонун даражасида мустақамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, модданинг иккинчи қисмига қуйидаги мазмундаги янги банд — “з” бандини киритиш таклиф этилади:

“з) телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;”

Мазкур таклиф жиноятнинг содир этиш усулини аниқлаштиришга хизмат қилади, шунингдек рақамли муҳитдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жавобгарликни кучайтиришга имкон яратади. Бундан ташқари, ушбу норманинг киритилиши амалиётда жиноятларни тўғри квалификация қилиш, далилларни баҳолаш ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу тариқа, рақамли технологиялар шароитида содир этиладиган уятсиз-бузуқ ҳаракатларнинг кибербуллинг билан ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2024.
3. М.Х.Рустамбаев Жиноят ҳуқуқи курси 1-том. МГХТИ-2018 йил 198-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм / М.Х. Рустамбаев ва бошқ.; ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. – 116 б.
5. Olweus D. Bullying at School: What We Know and What We Can Do. – Oxford: Blackwell, 1993.
6. Smith P., Steffgen G., Sittichai R. The Nature of Cyberbullying and an International Network // Cyberbullying through the New Media / Eds. P. Smith, G. Steffgen. – Psychology Press, 2013. – P. 26.
7. Betts L.R. Cyberbullying: Approaches, Consequences and Interventions. – Palgrave Macmillan, 2016. – P. 29.
8. Smith P.K. Cyberbullying: Its Nature and Impact in Secondary School Pupils. – Journal of Child Psychology, 2008.
9. <https://www.ditchthelabel.org/wp-content/uploads/2016/04/Annual-Bullying-Survey-2016-Digital.pdf> (мурожаат санаси: 20.04.2026).
10. Vozbayındır G.B. Cyberbullying and Criminal Law // İstanbul Hukuk Mecmuası. – 2017. – Vol. 75. – № 2. – P. 421–454. // URL: <http://mecmua.istanbul.edu.tr> (мурожаат санаси: 20.04.2026).